

Тасдиқлайман

**Улуғнор туман Тиббиёт бирлашмаси
рахбари**



M. Рахмонов

ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ

**Улуғнор туман Тиббиёт бирлашмаси
биноларини ремонт килиш учун сотиб
олинадиган курилиш моллари**

2022 год

Танлаш бўйича Техник Шартлар

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун қўйидагича: Тўловлар : сумда амалга оширилади

хисобт китоб пул ўтказиш йўли билан амалгат иширилади

Танлаш иштирикчиси тақлифни давлат тилида факт ўзбек тилида берилсин

Хужжатларни асл холатидек жойлаштириш талаб этамиз техник топшириқ;

Қонунга мувофиқ тақлифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиши тартиби;

танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиши мажбур.

Бюджет ташкилотимиз харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тасдиқлайди.

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиши учун тақлифлар берииш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда тақлифларни тақдим этишининг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўгрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришига йўл қўйилмайди.

Танлаш иштирокчиларининг тақлифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш

ўтказиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган лот бўйича электронни холатда тақдим этилади.

Таклифда давлат хариди обьекти бўлган товарнинг ишнинг хизматнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатиласди.

Агар танлашда иштирок этиши учун таклифларни тақдим этиши муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар баҳолаш учун очади. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқиласди. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишида иштирокчиларнинг бошлангич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиши баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш муддати таклифлар берииш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунида кўриб чиқиласди.

Расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўгрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш голибини аниқлайди ва танлаш ўtkазиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ голибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захиралини голиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиши учун икки иш кунига жойлаштирилади

Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўtkазиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқilmайдi.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўtkазиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўгрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажслиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўгрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

*Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича хариð қилиш
ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш
иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда
тутилган шартлар асосида тузилади.*

*Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича хариð қилиш
ҳужжатларида голиб шартноманинг шартлари бажарилиши
таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини
назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.*

*Голиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат
суммаси қайтариб берилмайди. Агар хариð комиссияси томонидан
захирадаги голиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир
мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги голибга ўтади. Бунда
захирадаги голиб голиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича
(бундан захирадаги голиб таклиф этган нарх голиб томонидан
таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома
тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.*



Бош хисобчиси:

A handwritten signature in blue ink, appearing to read "S. Nabiiev".

С. Набиев

Мутахассис: